



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 31» yanvar № 54

Toshkent sh.

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарорига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари) расмий веб-сайтлари ва порталларини “Ягона дарча” тамойили асосида ўз ичига олувчи **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформаси** (кейинги ўринларда – Ягона платформа) **ишга туширилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ҳукуमत порталида жойлаштириладиган ахборотни давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ягона платформага давлат органларининг расмий веб-сайтларини ўтказиш режаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” масъулияти чекланган жамияти Ягона платформа оператори ҳисобланади;

б) Давлат органларининг Ягона платформага ўтказиладиган веб-сайтлари фаолиятини техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича сарф-харажатлар белгиланган тартибда тасдиқланган тарифларга мувофиқ давлат органлари билан Ягона платформа оператори ўртасида тузиладиган шартнома асосида мазкур давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари, Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда давлат органларининг веб-сайтлари фаолиятини техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар Ягона платформа оператори томонидан Ягона платформани такомиллаштириш, техник қўллаб-қувватлаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтиради;

в) **2025 йил 1 мартдан** бошлаб давлат органларининг расмий веб-сайтлари фақатгина Ягона платформада юритилади. Бунда янги ташкил этилган давлат органлари ўзларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини ташкил этилган санадан бошлаб **бир ой муддатда** Ягона платформада йўлга қўяди;

г) давлат органлари раҳбарлари давлат органларининг расмий веб-сайтлари Ягона платформада юритилиши учун **шахсан масъул** ҳисобланади.

4. Давлат органлари:

ушбу қарорга **2-илова** билан белгиланган муддатларда ўз расмий веб-сайтларининг Ягона платформага ўтказилишини таъминласин;

расмий веб-сайт Ягона платформага ўтказилганидан сўнг **бир ҳафта муддатда** эски расмий веб-сайтлар домен манзилларини ҳамда веб-сайт ва ундаги маълумотларни сақлаб қолган ҳолда, Ягона платформадаги расмий веб-сайтлар манзилига йўналтирсин ёки уларнинг фаолиятини тўхтатсин;

Ягона платформа оператори билан Ягона платформага ўтказилган веб-сайтлар фаолиятини техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олувчи шартномани тузиш чораларини кўрсин.

5. “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Ягона платформани **ҳар олти ойда** беғараз асосда киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиб борсин ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича доимий мониторингни амалга оширсин.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” масъулияти чекланган жамияти томонидан Ягона платформани такомиллаштириш, техник қўллаб-қувватлаш ва унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар тарифларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ягона платформага жойлаштириладиган маълумотлар турлари, жойлаштириш даврийлиги ва бошқа талаблар акс этган рўйхатини **уч ой муддатда** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Мақамасига киритсин.

7. Ягона платформа оператори **бир ой муддатда** Ягона платформани “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Рақамли ҳукуматнинг маълумотларни қайта ишлаш марказида жойлаштиради ва уни ахборот хавфсизлиги талаблари даражасида геозахиралаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

9. Рақамли технологиялар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х.Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 январдаги 54-сон қарорига
1-илова

**Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча”
тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида йўлга
қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини
таъминлаш ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштирилладиган ахборотни
давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформасида давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларини жойлаштириш, юритиш ҳамда улардаги ахборотнинг долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформасида жойлаштириш учун давлат органлари томонидан ахборотни тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати таркибига кирмайдиган давлат органлари мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформасида расмий веб-сайтларини жойлаштириш ва юритиш учун муурожаат қилишлари мумкин.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ташкилот кабинети – давлат органининг расмий веб-сайтини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритиш учун Ягона платформадаги саҳифа;

технологик йўриқнома – ахборот тизимларидаги маълумотларни (ахборот ресурсларини) ўзаро алмашишни интеграция қилиш орқали маълумотларни тақдим этиш ва қабул қилишни тартибга солувчи технологик ҳужжат.

Ягона платформа – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформаси;

Ягона платформа оператори – “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” масъулияти чекланган жамияти;

ягона платформани юритувчи – давлат органларининг Ягона платформада жойлашган расмий веб-сайтларни юритиш учун масъул ходими;

4. Давлат органлари тегишли ахборотни Ягона платформада ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантиради ва юритади.

2-боб. Ягона платформада рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш

5. Ягона платформадан фойдаланиш ва уни юритиш Ягона идентификация тизими OneID (кейинги ўринларда — ЯИТ) орқали, ахборот алмашинувлари эса Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

6. Ягона платформани юритувчи ЯИТ орқали рўйхатдан ўтади.

7. Ягона платформани юритувчи давлат органининг ички ҳужжатлари билан белгиланади. Ягона платформани юритувчи тайинланганда (ўзгарганда), давлат органи икки кун муддатда Ягона платформани юритувчи тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда Ягона платформа операторига тақдим этади.

8. Ягона платформани юритувчи давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва жойлаштиришга масъул ҳисобланади.

Бунда давлат органларининг тегишли таркибий бўлинмалари расмий веб-сайтга жойлаштириш учун тегишли маълумотларни ички ҳужжатларда белгиланган муддатларда Ягона платформани юритувчига тақдим этишлари шарт.

9. Ягона платформага уланган давлат органларига расмий веб-сайтларни юритиш имконини берувчи ёпиқ бўлим ҳисобланган ташкилот кабинети ҳамда Ягона платформани юритувчи учун Ягона платформа тизимига кириш имконияти яратилади.

10. Ягона платформани юритувчи тўғрисидаги маълумотлар Ягона платформада шакллантирилади ва юритилади.

11. Ягона платформа оператори давлат органлари томонидан расмий веб-сайтларни юритиш жараёнларини доимий мониторинг қилиб боради.

12. Ягона платформа оператори Ягона платформани жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни янада такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

13. Ягона платформа оператори доимий равишда Ягона платформада жойлаштирилган ахборотларнинг йўқ қилиниши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилишининг ҳамда бошқа шакллардаги рухсатсиз аралашувларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриб боради.

3-боб. Ягона платформада расмий веб-сайтларни юритиш

14. Давлат органининг Ягона платформада жойлаштирилган расмий веб-сайти Ягона платформани юритувчи томонидан юритилади.

15. Ташкилот кабинетига Ягона платформани юритувчи томонидан расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш учун қўшимча ходимларга ишлаш имконияти яратилиши мумкин. Бунда жойлаштириладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлиги учун масъулият Ягона платформани юритувчиси зиммасида бўлади.

16. Давлат органларининг расмий веб-сайтларини Ягона платформада юритиш учун ташкилот Ягона платформа оператори томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланувчи кабинетда жойлаштирилган Ягона платформа билан ишлаш бўйича йўриқнома асосида амалга оширилади.

17. Давлат органлари ўзларининг Ягона платформада жойлаштирилган расмий веб-сайтларидаги маълумотларнинг долзарблигини мунтазам равишда таъминлайди.

18. Ягона платформада жойлаштирилган расмий веб-сайтлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда юритилиши ҳамда уларда жойлаштирилаётган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлмаслиги керак.

19. Ягона платформани юритувчи Ягона платформада давлат органининг расмий веб-сайтини ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда юритиш бўйича тегишли чораларни кўриши ва таъминлаши лозим.

20. Ягона платформа оператори Ягона платформанинг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилишини таъминлайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси давлат органлари томонидан расмий веб-сайтлар ўз вақтида янгиланиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширади ҳамда ўтказилган назорат натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма тайёрлайди, уларга тегишли чораларни кўриш бўйича давлат органларига киритади.

4-боб. Ягона платформани бошқа электрон ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш

22. Ягона платформада давлат органларининг ахборот тизимлари билан ахборот алмашинуви технологик йўриқнома асосида Ягона платформа оператори томонидан амалга оширилади.

23. Давлат органлари Ягона платформага интеграция қилиш орқали тақдим этилаётган маълумотларнинг долзарблиги ва ишончилигини таъминлайди.

5-боб. Давлат органлари томонидан Ягона платформада ахборотни жойлаштириш учун тақдим этиш

24. Ягона платформага жойлаштирилиши лозим бўлган ахборот давлат органининг ахборот хизматлари томонидан умумлаштирилади ва Ягона платформа операторига тақдим этиб борилади.

25. Давлат органлари доимий равишда Ягона платформадаги маълумотларнинг долзарблиги ва янгиланганини таъминлайди.

26. Ягона платформага Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатда келтирилган ахборотлар жойлаштирилади.

27. Ягона платформага жойлаштириш учун давлат органлари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар Ягона платформа оператори томонидан мунтазам равишда шакллантирилиб борилади.

28. Ягона платформага жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот долзарб, ҳаққоний, яхлит, аниқ ва мавзу блоклари бўйича тақсимланган бўлиши керак.

29. Ягона платформада жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотда давлат, ҳарбий ёки хизмат сири ҳисобланадиган маълумотлар ёхуд қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа маълумотлар бўлмаслиги керак.

30. Ягона платформага жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот давлат ва қорақалпоқ тилларида тақдим этилиши керак. Шу билан бирга, ахборотларнинг бошқа тиллардаги мазмуни бир хил ёхуд қисқартирилган талқинлари бўлиши мумкин.

31. Ягона платформага жойлаштириш учун ахборот ушбу Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ тақдим этилади.

32. Ягона платформага жойлаштирилиши лозим бўлган ахборот давлат органининг тегишли таркибий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан тайёрланади ҳамда давлат органининг ахборот хизматига тақдим этилади.

33. Давлат органи ахборот хизмати ўзининг Ягона платформадаги расмий веб-сайтига маълумотларни ўз вақтида жойлаштириб борилишини таъминлайди. Бунда Ҳукумат доирасида амалга оширилаётган ишлар ва тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни расмий веб-сайтда жойлаштирилишидан аввал Бош вазир матбуот хизмати билан келишилган ҳолда, амалга оширилиши лозим.

6-боб. Ягона платформада ахборотни жойлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларни келишиш

34. Давлат органининг ахборот хизмати давлат органининг ички ҳужжатларида белгиланган муддатларда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган ахборотни кўриб чиқади, умумлаштиради ҳамда давлат органи раҳбари билан келишган (имзоланган) ҳолда, Ягона платформа операторига тақдим этиб боради.

35. Ягона платформа оператори давлат органи томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштиради ва тегишлилиги бўйича Бош вазир матбуот хизмати билан келишишга киритади.

36. Бош вазир матбуот хизмати Ягона платформа оператори томонидан Ягона платформага жойлаштириш учун киритилган ахборотларни бир иш кунида келишиб беради.

37. Ягона платформа оператори Бош вазир матбуот хизмати билан келишилган ахборотларни Ягона платформанинг тегишли бўлимларига жойлаштиради.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

38. Ягона платформа оператори Ягона платформанинг ишлаши, ахборот хавфсизлигининг таъминланиши, тизимдаги шахсга доир маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

39. Ягона платформа оператори Ягона платформа тизимининг функционалиги, хавфсизлиги ва долзарблигини таъминлаш учун ишончли техник ёрдам ва мунтазам янгиланишларни амалга ошириб боради.

40. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштирилладиган ахборотни давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Давлат органлари томонидан тегишли маълумотларни
Ягона платформада жойлаштирилган расмий веб-сайтларда
шакллантириш ва юритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддат
1-босқич	Давлат органи	<p>1. Ягона платформа оператори билан шартнома имзолайди.</p> <p>2. Ички идоравий ҳужжат билан Ягона платформани юритувчи масъул ходимни ва расмий веб-сайтга маълумотларни жойлаштириш учун Ягона платформани юритувчига тақдим этадиган тегишли таркибий бўлинмаларни тасдиқлайди.</p> <p>3. Ягона платформани юритувчи Ягона идентификация тизими орқали рўйхатдан ўтишини таъминлайди.</p> <p>4. Ягона платформани юритувчи масъул ходим тасдиқланганда ёки ўзгарганда, Ягона платформа операторига намунадаги хат билан у ҳақидаги маълумотни тақдим этади.</p>	<p>5 иш кунида</p> <p>2 иш кунида</p> <p>Доимий</p> <p>1 иш кунида</p>
2-босқич	Ягона платформа оператори	Ягона платформани юритувчи ҳақидаги маълумот келиб тушганидан сўнг Ягона платформада тегишли давлат органи учун тизимга кириш имкониятини яратади.	2 иш кунида
3-босқич	Давлат органи	Давлат органининг ички ҳужжат билан тасдиқланган масъуллар томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштиради ва уларнинг белгиланган муддатларда Ягона платформадаги расмий веб-сайтга жойлаштириш ҳамда маълумотларни долзарблигини таъминлайди.	Доимий

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари
фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида
йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот
долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш
ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштириладиган
ахборотни давлат органлари томонидан тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(ташкilotнинг расмий бланкасида)

20__ й. “__” _____ сон

**“UZINFOCOM” давлат ахборот
тизимларини яратиш ва қўллаб-
қувватлаш бўйича ягона интегратор”
масъулияти чекланган жамияти**

**Ташкilotнинг Давлат органларининг ягона ахборот ресурслари
платформасида тегишли маълумотларни жойлаштириш учун масъул ходими
тўғрисида маълумот**

Ташкilot масъул ходими тўғрисида маълумот

Ф.И.О.	
Лавозими	
Бўлинма	
Хизмат телефон рақами	
id.egov.uz тизимидаги логин	

Ушбу аризада тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигини тасдиқлайман.

Аризада тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар юзасидан ўз вақтида хабар
бериш мажбуриятни ўз зиммамга оламан.

**Ташкilot раҳбари
Лавозими**


**(Ф.И.О.) Имзо
Мухр**

**Масъул ходими
Лавозими**

(Ф.И.О.) Имзо

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштириладиган ахборотни давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ягона платформага жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этиш СХЕМАСИ



---> Келишиш учун ахборотни тақдим этиш

← Умумлаштириш учун ахборотни тақдим этиш

→ Ахборотни жойлаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 январдаги 54-сон қарорига
2-илова

**Ягона платформага давлат органларининг расмий веб-сайтларини ўтказиш
РЕЖАСИ**

Т/р	Давлат органи	Муддат
I. Қўмиталар		
1.	Давлат захираларини бошқариш қўмитаси	Бир ой муддатда
2.	Ғазначилик хизмати қўмитаси	
3.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси	
4.	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси	
5.	Автомобиль йўллари қўмитаси	
6.	Туризм қўмитаси	
7.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	
8.	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси	
II. Агентликлар		
9.	Кадастр агентлиги	Икки ой муддатда
10.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги	
11.	Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги	
12.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	
13.	Агросаноатни ривожлантириш агентлиги	
14.	Фуқаро авиацияси агентлиги	
15.	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги	
16.	Ўрмон хўжалиги агентлиги	
17.	Гидрометеорология хизмати агентлиги	
18.	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	
19.	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги	
20.	Инновацион ривожланиш агентлиги	
21.	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	
22.	Кинематография агентлиги	
23.	“Ўзархив” агентлиги	
24.	Персоналлаштириш агентлиги	
25.	Мудофаа саноати агентлиги	
III. Инспекциялар		
26.	Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси	Уч ой муддатда
27.	Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси	
28.	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	
29.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси	

30.	Транспорт назорати инспекцияси	
IV. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари		
31.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман(шаҳар)лари ҳокимликлари	Уч ой муддатда

Изоҳ: Ушбу Режага “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 январдаги 54-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартишлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида” 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига:

а) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига 2-илова 4-бандининг “в” кичик банди чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори)” 2017 йил 20 ноябрдаги 925-сон қарорига илова 3-бандининг “б” кичик банди чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илова 215-бандининг “а” кичик банди чиқариб ташлансин.

